

БАТАНПАРВАР

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Сержантларнинг янги авлодлари қанақа бўлиши лозим, деган. Келинг, бунга аввало мисоллар ёрдамида жавоб излайлик.

...Жанговар вазифа чўл шароитида амалга оширилмоқда. Бунда гуруҳдаги ҳар бир мутахассиснинг ишончли ҳаракатланиши, душман пистирмаларига учраб қолмаслиги учун аниқ чора-тадбирларни қўллаши лозим. Гуруҳ командирининг ўринбосари кичик сержант Жасур Қобилов ишонч билан масъулиятни ўз зиммасига олди. Ахир, у профессионал командир бўлмаган ҳолатларда етакчилики, гуруҳ бошқарувини ўз зиммасига олиб, жанговар вазифаларни бажариб келган. Қолаверса, сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бу борада тахсил олган.

Кичик командир ўз тажрибасидан келиб чиқиб, ҳар бир мутахассиснинг жанговар тартибдаги секторини, аниқроғи ўрнини белгиллаб берди. Ким қайси позицияда туради, қандай ниқобланади, бари-бари ҳақида кўрсатмалар берди.

Вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда кузатув постни ташкил этишни буюрди. Кузатув постда дастлаб снайпер – шартнома бўйича хизмат кичик сержант Моҳиддин Камолов ўз маррасини эгаллади. 2005 йилда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаган бу профессионал мерганлик илмининг усталари-дан. Командирдан буйруқ олар экан, мерган шартли душманнинг олдинги сафда ҳаракатланаётган йўлбошчиси, командирни, сапёр, алоқачи, автоматчиларини нишонга ола бошлади. Нишонларга чоралиқ масофа минг метрча келди. Моҳирлик, маҳорат ўз сўзини айтди. Мерган жанговар вазифини аъло даражада урдалади.

Хизмат сафарларидан биринчи мен сафари ана шундай профессионаллар – ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни Ватани, халқи олдидаги муқаддас бурч санайдиган, қолаверса, ислохотларимиз меваси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабларини тугатишган ўғлонлардан иборат гуруҳнинг мазкур жанговар ҳаракатини кузатишга муваффақ бўлганман. Ҳар қандай вазиятда ҳам тўри қарор қабул қилишга қодир бўлган, етакчилик қобилиятлари шаклланиган сержантларнинг бугунги авлодларини улар тимсолида кўрганман.

Яхши биламизки, замонавий талаб ва андозларга жавоб берадиган миллий армиямизни шакллантириш йўлида қилинган улкан ишлар, ислохотлар давомида армиямизнинг муҳим бўғинларидан бири бўлган сержантларни тайёрлашга устувор эътибор қаратиб келинаётир. Қуролли Кучларимиз-

нинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш, армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, профессионал тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилгани, уларнинг замонавий жанговар-ўқув базалари билан таъминланаётгани, пировардида сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: «...ҲАРБИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА СЕРЖАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК ВА ЎҚУВ БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ, КОММУНИКАЦИЯ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАМДА ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ БЎЙИЧА КАТТА ИШ ҚИЛИНМОҚДА. БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА ҲАМ ТАШАББУСҚОР ВА САМАРАЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ҚОДИР БЎЛГАН КОМАНДИР ВА СЕРЖАНТЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА».

устунига, аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси айланиб бораётганини фахр билан тилга олсак арзийди. Ислохотлар сабаб сержантлик мақоми юксалмоқда, деймиз. Хўш, бу нималарда акс этади?

Сержант қўл остидагиларни жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича тайёрлаш лозимлигини, ҳар қандай шароитда ҳам энг мураккаб вазифаларни бажаришда посбонларнинг руҳий тайёргарлигини таъмин этишини яхши биламиз. Аскарларни бошқариш, қурол, жанговар техника ва ҳарбий мулкнинг доимо асраб-авайланишида, жанговар шай туришида бўлима командирга ёрдам беради. Шунингдек, қўл остидаги аскарлар билан мустақил тайёргарликлар олиб бориш, тактик, ўт очиш, махсус тайёргарликлар, индивидуал-тарбиявий ишлар бўйича машғулотлар ўтказиш сержантнинг зиммасида. Жанговар ҳолатларда эса табиийки, бўлимининг жанговар шайлиги, жанговар қобилиятини, шахсий таркибининг юксак маънавий-жанговар руҳини таъмин этиши ундан талаб қилинади. Мақоми юксалиши, миллий армиямиз сержанти номига муносиб бўлиш учун шу каби вазифаларга виждонан ёндашиш талаб этилади.

Бунда сержантнинг қўл остидагиларга шахсий намунаси, етакчилик қобилияти по-

сбонларни жанговар вазифаларни муваффақиятли бажаришга руҳлантиради. Билими, тажрибаси билан шахсий таркиби ўз ортидан эргаштира олган, моҳирона командирлик қила билган кичик командир ютуқларга эришади. Шундай талаблардан ҳам кўриниб турибдики, сержант Куролли Кучларимиздаги асосий бўғинлардан бири ҳисобланади. Келинг, шу ўринда бир мисол келтирайлик.

Қуриқланаётган объектда ҳушёрлик, сержантлик билан хизмат вазифасини бажаргани, қондабузарни ушлашда аниқ, ишончли хатти-ҳаракат қилиб, қўл остидагиларга ибрат кўрсатгани учун ортда қолган йил якунида шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – А.Соттиқов, Ш.Омонов, Б.Ўзбой, Х.Бекмуродов Мудофаа вазирининг буйруғига қўл имзатбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Таъбир жоиз бўлса, бу би-

моддий-ўқув базалари шакллантирилаётгани, улардаги йўриқчи, ўқитувчилар таркиби профессионаллашяётгани, ўқув-тарбиявий жараён ҳар томонлама сифатли ташкил этилаётгани бунга сабаб.

Ислохотлар боис сержантликка номзодларни танлашнинг муайян тизими вуқудга келгани, сержантлар тайёрлаш мактабларига ўқишга киришда номзодларнинг умумтаълим, интеллектуал, ижтимоий-сиёсий билимлари, жисмоний тайёргарлик даражасига улкан эътибор қаратилаётгани профессионалларимизни тайёрлашга, армиямизнинг суянчи ва таянчи бўладиган сержантларни тарбиялашга қаратилган устувор эътиборимизни кўрсатади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, бугун аънаъанави тус олган «Энг илгор мутахассис» танловигаги номинациялардан бири «Энг илгор сержант» дея номлангани кичик командирларнинг янада профессионаллашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ортада қолган йил охирида танловнинг республика босқичи нияҳасига етиб қолиблар аниқланди. Кичик сержант Қасрамон Худойкулов ана шундайлар сирасидан. Ватанига, мардлик касбига, бурчиға содиқ ўғлон барча босқичларда ғолиб чиқиб, бугуннинг сержанти деган шарафли номга муносиб эканлигини исботлади. Ёки секция командир кичик сержант Хайрулло Маматқаримовни олайлик. Ўқув йилини жамоаси юксак жанговар ютуқлар билан якунлади. Ижтимоий-сиёсий, жанговар, жисмоний, ҳуллас барча-барча тайёргарликлар бўйича шахсий кўрсаткичлари юқори бўлди. Қўриқ-танловнинг якуний босқичида саралар ичра сара, мардлар ичра мард эканлигини исботлаб, «Энг илгор сержант» бўлди.

Сержантларга ислохотлар давомида улкан эътибор қаратилиб келинаётганини яхши биламиз. Қуролли Кучлар сержантлари мақоми тўғрисида ҳужжат қабул қилингани, бу муҳим ҳужжат биз сержантларга ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз, сержантларимизни белгиллаб берганини шу ўринда таъкидлашим мумкин. «Бизга Юртбошимиз, халқимиз, армиямизнинг таянчи ва суянчи, дея юксак ишонч билдирилаётган экан, ҳар томонлама билимларимизни бойитиб, етакчилик қобилиятларимизни шакллантириб, посбонларни миллий истиқлол ғоялари руҳида қамолга етказишга ҳаракат қиламиз», дейди Хайрулло Маматқаримов.

Шулардан ҳам кўриниб турибдики, сержантларимизнинг ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни Ватани, халқи олдидаги муқаддас бурч санайдиган бугунги авлодлари бурч, хизмат, мажбурият туйғулари ҳар нарсадан устун қўйишади. Бугунги сержант армиянинг шахсий таркибини бўғинма-бўғин мустаҳкам ташкил этадиган, унинг қудрати ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган ҳам мураббий, ҳам командир ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, ислохотлар армиямизнинг том маънодаги таянчи, суянчи бўла оладиган ўғлонларни кашф этаётгани эртанги кунга бўлган умид-ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Майор Алижон САФАРОВ.

ЯНГИ НОМЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимининг баъзи жой номларини тартибга келтириш тўғрисидаги қарорига асосан

Х.Сулаймонова кўчаси (Юнусобод тумани) **ИСТИҚЛОЛ КЎЧАСИ** деб ўзгартирилди.

Сўранг,
жавоб берамиз

БОШҚАРМАГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

Биз, Тошкент шаҳридан бориб, Душанбеда Тожикистон Миллий университетида тахсил оляпмиз. Баъзиларнинг берган маълумотиға қараганда ўқишни битирсак, олган дипломимиз Ўзбекистонда ўтмас эмиш. Ушбу масалада қарерга мурожаат этишимиз мумкин?

Сардор Ганиев,
Асрор Тожидинов,
Самат Ғозиев ва бошқалар.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ноотрификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Унинг 5-бандига мувофиқ хорижий давлатларда ўрта махсус ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентлигини қайд этиш ҳамда тегишли гувоҳнома бериш бевосита Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази таркибидagi кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Низомнинг 9-бандига кўра, хорижий давлатларда ўрта махсус ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва уларнинг эквивалентлигини қайд этиш ҳақидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

— Маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва иловасининг асл нусхаси (ўтилган ўқув курслари ва уларнинг ҳажми, якуний баҳолар, амалиёт, курс ва битирув малака ишлари рўйхати, ўқув жараёнининг бошқа бажарилган талаблари кўрсатилиши лозим;

— Маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси.

Ана шу тартибда юқорида кўрсатилган бошқармага мурожаат қилишларингиз мумкин.

ТЎЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНАДИ

Ишчиларимиздан бири уч йилдан бери меҳнат таътилига чиқмаган. Энди ишдан бўшаётган олдин фойдаланмаган меҳнат таътиллари учун ҳақ тўлашликни талаб қилмоқда. Шу тўғрисида?

Беҳзод Хикматов,
Собир Раҳимов тумани

— Меҳнат кодексига кўрсатилишча, одатда меҳнат таътиллари йилма-йил жадвалга мувофиқ бериб борилиши керак. Истисно тариқасида ишлаб чиқариш заруратидан келиб чиққан ҳолда ҳодимнинг розилиги билан йиллик меҳнат таътили кейинги йилга кўчирилиши мумкин. Аммо бундай шароитда таътилни энг камида 12 кун шу йилда берилиши шарт.

Ушбу қоидага зид тарзда ҳодимга меҳнат таътили (кимнинг айби билан бўлишидан қатъи назар) ўз вақтида берилмаган бўлса, ҳодим бу таътиллاردан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Яъни ҳодим ишлаб турган бўлса бу таътиллاردан фойдаланиши лозим. Агар меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, иш берувчи ҳодимга барча таътиллари учун пул компенсациясини тўлаб, тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши керак.

ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯГА ЧИҚОЛМАЙСИЗ, ЛЕКИН...

Узоқ йиллардан бўён мусаввирлик касбига ишлаб келаман. Ҳозирги пайтда шифоҳонада ётибман, шифокорлар ногиронлик пенсиясига чиқаришмоқчи. Хат ёзишдан мақсадим — мусаввирлар имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкинми, деган саволни бермоқчи эдим?

Алимбой Саломатов,
Сергели тумани

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 249-сонли қарори билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини рўйбга чиқариш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган. Шу жумладан, имтиёзли, яъни ёшидан қатъи назар, умумий пенсия ёшидан ўн йил ёки беш йил аввал пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи корхона, ташкилот, муассаса ва касб-хунарга тааллуқли лавозимлар рўйхати ҳам тасдиқланган ўтган. Мусаввирлик касби бу рўйхатда назарда тутилган эмас. Шунинг учун соғлигингиз яхши бўлмаса, тиббий маъсасаларининг хулосасига кўра ногиронлик пенсиясига чиқишингиз мумкин.

ШУНДАЙ ИШ ТУТИШ МУМКИНМИ?

Фермер хўжалиги аъзолари йиғилишида жамоамизнинг беш нафар мутахассисига иш жараёнида ўз шахсий енгил автомашиналаридан фойдаланганликлари учун хўжалик ҳисобидан 5 литр бензин берилсин деган қарор чиқарилган бўлиб, у касабакўмининг жамоа шартномасига ҳам киритилди. Бундай иш тутиш қонунга хилоф эмасми?

Эркин Хушназаров,
Яккасарой тумани

— Амалдаги қонунчиликка биноан мустақил хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий ва бошқа тўловлардан ортан соф даромадлари шу субъектнинг мулк ҳисобланади ва уни ўз ихтиёрича тасаруф этишга ҳақли. Демак, мазкур маблағнинг мулкдори шундай қарор қабул қилган бўлса бу қонунчиликка зид эмас.

Абдурауф ТОЖИЕВ,
хуқуқшунос

АЙНИ КУНЛАРДА ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 ЙИЛ 3 МАРТДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ ТАНЛОВЛАРДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАН ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАВ БАРКАМОЛ ЎҒЛОНЛАРНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА КУЗАТИШ МАРОСИМЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Баҳорги чақирик — 2008

ЮРТНИНГ МАРДУ МАЙДОНЛАРИ

Куни кеча Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг йилги пунктида бўлажак аскарларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда хизматга отланган йигитларнинг ота-оналари, ақинлари, «Қамолот» ЕИХ Шайхонтоҳур туман бўлими, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вакиллари иштирок этдилар.

— Азиз ўғлонлар, мустақил юртимизнинг марду майдонлари, ишонган таянч тоғларимиз, — деди жумладан тадбирда сўз олган Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги вакили Зарифахон Искандарова, — ишонамизки сиз олган тарбиянгиз, хизматда кўрсатган яхши кўрсаткичларингиз билан барчага урناк бўласиз. Хизматни шараф билан ўтаб ота-онангиз бағрига ёруғ юз билан қайтасиз.

Ҳарбий хизматга отланган йигитларнинг мағрур туришлари, дадил фикрлари улар қалбига кечаётган ҳис-ҳаяжон ва гурурини



танпарвар» ташкилотиди ҳайдовчилик касбига ўқиб, ҳунар эгалладим, — дейди чақирилувчи Илёс Садаев. — Мана, орзумиға эришди муқаддас хизматни ўташга отландим. Йигитлик бурчимни яхши ўтаб тавсиянома билан қайтаман. Ва насиб этса ўзим хоҳлаган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқишга қираман.

Шу куни ким билан суҳбатлашмайлик Қуролли Кучларимизда хизмат қилиш ҳар бир йигит учун шарафга, армиямизнинг эса ҳаёт мактабига, чинқиш мактабига айланганлигиға гувоҳ бўлдиқ. Беҳтиёр Президентимиз Ислам Каримовнинг Қуролли Кучларимизнинг 16 йиллиги муносабати билан йўллаган байрам табриғидаги: «...Жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндошув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Эндиликда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фу-

қароси учун наинки конституциявий бурч, айлани чогда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди, десак, асло му-болага бўлмайди», деган пурмаёно сўзлари ёдга тушди.

Шоира МУХАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг йилги пунктида бўлиб ўтган тантанали маросимдан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

Туман бўлими Низом вазифаларини узил-кесил ҳаётга татбиқ этиш учун «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, ҳокимлик, «Қамолот» ЕИХ каби ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб ёшларни, айниқса маҳалла ёшларини мавжуд спорт тўғрақларига жалб этиш, турли тадбирлар ўтказиш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиб келмоқда.

— «Ватанпарвар» ташкилотининг асосий вазифаси халқ ҳужалиги учун оммавий техник касб ҳодимларини тайёрлаш,

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «БАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЧТЕПА ТУМАН КЕНГАШИ ҲАМ ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРГАН ҲОЛДА БАТАН ҲИМОЯСИГА ҚОДИР ЎҒЛОНЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ҚЎШИБ КЕЛМОҚДА.

техник ва амалий турларини янада ривожлантириш мақсадида жойларда тўғрақлар, курслар ва секциялар фаолиятини ривожлантириш учун юқори малакага эга бўлган мутахассисларни жалб этганмиз. Бундан ташқари ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази қошида 1-4- синф

ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Моҳирав Мирзаева. — Мактаблар, университет ва институт, солиқ, дизайн касб-хунаро коллежлари талабалари билан ўтказилиб келинаётган турли тадбир, учрашувлар, давра суҳбатлари ва анжуманлар шулар жумласидандир. Бугунги кунда ўқ

«Ватанпарвар» ташкилоти фаолиятдан

МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт секциялари ва тўғрақлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган,—деди биз билан суҳбатда «Ватанпарвар» ташкилоти Учтепа туман Кенгаши раиси Бахтиёр Рашидов. — Шундан келиб чиққан ҳолда Кенгашимиз ташкил топгандан бери тасарруфимиздаги ўқув спорт-техник клублари фаолиятини яхши йўлга қўйиш, синф хоналари ва амалий ўқув хоналарини замон талабларига мос равишда жиҳозлаш, автотренажёрлар ўрнатиш, малакали ҳайдовчиларни тайёрлаш, ёшларни кўпроқ спорт тўғрақларига жалб этиш бўйича бир қатор мақсадли ишлар олиб боришмоқда. Ўтган 2007 йилда ташкилотда «ВС» тоифали 6 та ҳайдовчилик гуруҳларида 179 та, «В» тоифали 26 та гуруҳда 778 та, «В-дан» «С»га 30 та, «ИХК»да 30 та ўқувчи тайёрланди. Шунингдек, спортнинг

ўқувчилари учун кема, ракета ва авиамоделсозлик бўйича, 5-9-синф ўқувчилари учун ўқ отиш, биатлон, кўпқурш ва каргинг спорт турлари бўйича тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган. Ҳар бир шонли сана ва байрамларда фаол қатнашиб ўз кўргазмаларимизни ташкил этамиш, сайилгоҳ ва боғларда кўча тирлар фаолиятини йўлга қўямиз. Саъй-ҳаракатларимиз тўғрисида ўқувчи ёшларимиз турли спорт мусобақаларида қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Ташкилотимиз тўғрақларида қатнашаётган ёшларни ҳунар эгаллашдан ташқари маънан ва руҳан баркамол, ватанпарвар бўлиб вояга етишлари учун имкони борича турли тадбирларни ўтказиб моддий ва маънавий кўмак бериб келмоқдамиз,—дейди «Ватанпарвар» ташкилоти туман Кенгашининг маънавий-маърифий

Шахризода МУХСИМОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

АБУ АБДУЛЛО РУДАКИЙ

Инсон ҳар доим қувноқ, хушчақчақ бўлиши ва бахтиёр яшамоғи зарур.

Сохта пул тоза пул ҳисобланмаганидек, ёлгон сўз ҳеч маҳал пишиқ гап бўлолмайди.

Ақлли деб шундай кишига айтаемизки, унда ўткир зехн-идрок бўлиши билан бирга, фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

Одамлар ўрганган, одатланган ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсаларга (кўр-кўрона) қаршилиқ кўрсатма.

Яхши хулқ яхшилик аломатидир.

Кичик нарсаларга эътиборсиз қарама, унинг фойдали ўрни бор, катта ишнинг керакли жойи бор.

Кўз билан кўрган эшитгандан афзалдир.

Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонини йўққа чиқаради.

Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар.

Ёлгон доим ростдан енгиллади, у худди сув юзасидаги кўпикдек йўқ бўлиб кетади.

Яхши билмаган нарсасига уринган киши шарманда бўлади.

Билмаганлигимиз сабабли билган нарсаларимизни айтмай қўйишимиз ҳам яхши эмас.

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

Донишманд ва олимлар хулқларидан ўрнак олиш яхши хулқни тиргизади, ёмонини йўқ қилади.


Хато содир бўлмаслиги учун донишмандлар қайта-қайта кузатишни ва ҳалал етиш имкониятидан сақланишни тавсия қилганлар.

Биринчи галдаёқ ютуққа эга бўлган кишини таҳдир қилиб ўтирма.

Денгизга кўпинча ўзидаги нарсанинг ёки унга рўпара мамлакатнинг исми берилари.

Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бормайди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан 2006 йил 6 октябрда Урозов Мустафокул Қултуревич номига берилган рўйхат рақами 115 бўлган, № 017569 рақамли магистр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-306

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Мини-футбол

ОММАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИБ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ «УМИД» БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА ИККИ КҮН ДАВОМИДА М.УЛУҒБЕК ТУМАНИ САВДО, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА ТАДБИРКОРЛАР КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТУМАНДАГИ ТАРМОҚ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДА МИНИ-ФУТБОЛ БЎЙИЧА «НАВРЎ» КУБОГИ УЧУН МУСОБАҚАЛАР ЎТҚАЗИЛДИ.

Турнирда саккизта жамоа қатнашиб, мусобақа Низомига кўра улар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро баҳс юритишди. Гуруҳларда 1-2-ўринларни эгаллаган жамоалар эса ярим финалга йўлланмалар олишди.

Шундай қилиб, ҳам гуруҳдаги, ҳам ярим финалдаги баҳсларни муваффақиятли ўтказган «ДСС-Экспресс» ҳамда майдон эгаси «Умид» БСМ жамоалари ҳал қилувчи сўғи беллашувда қатнашиб ҳужумини қўлга киритишди. Кескин ва мурасиз финал учрашувида «ДСС-Экспресс» жамоаси ғолиб чиқиб, Кубок,



диплом, пул мукофоти ва эсдалик соғваси билан тақдирланди. 2 ва 3-ўринлар «Умид» БСМ ва М.Улуғбек туман маслаҳат, ахборот ва савдо-саноат палатаси терма жамоасига насиб этди ва улар ҳам муносиб тақдирландилар.

Барча иштирокчи жамоалар М.Улуғбек туман савдо, матбуот кооперацияси ва тадбиркорлар касаба уюшмасига миннатдорчилик билдириб, бундай мусобақаларни тез-тез ўтказиб туриш лозимлигини таъкидладилар.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: мусобақа иштирокчилари; совриндорлар тақдирланмоқда.



«01»

«ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН САҚЛАНИНГ

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЖОЙЛАРДА, АХОЛИ ЎРТАСИДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИНИ ТУШУНТИРИШ ВА УЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА УЧРАШУВЛАР ТАШКИЛЛАШТИРИЛЯПТИ.

Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган максад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашишни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. «Тилсиз ёв» билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шiori ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши маз-

садга мувофиқ бўлар эди:

- Очик алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш.
- Электр ва газ асбобларини доимо соғ ҳолда тутиш ва носоз қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик.
- Белгиланган жойларда кечиш.

Юқоридаги қабил қоидаларга риоя қилинса биз уйларида, ҳар бир фуқаро йиллаб йўқдан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Айтиш керакки, қўлаб фуқароларимиз ҳар қандай ҳолатда қўлбола ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйларида, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар. Чилонзор туманида жойлашган «Миродил» озик-овқат дўконига содир бўлган ёнғин айнан қўлбола электр асбобидан фойдаланиш оқибатида юза-

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОҒЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОҒЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОҒЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан 2008 йил 27 май кунин соат 11.00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига тақдир этди!

1. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилири бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 23.01.2008 йилдаги ЖСК-1-601/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХББ жарима майдончасида сақланаётган, «Форт транзит» русумли, д/р йўқ, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 000 000 сўм.
2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 09.11.2007 йилдаги ЖСК-1-570/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХББ жарима майдончасида сақланаётган, «Хундай Эланта» русумли, д/р 10T1659 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 000 000 сўм.
3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 19.09.2007 йилдаги 1-576/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХББ жарима майдончасида сақланаётган, «BA3-2106» русумли, д/р 11Y0868 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 000 000 сўм.
4. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 09.11.2007 йилдаги ЖСК-1-570/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХББ жарима майдончасида сақланаётган, «Нексия Сител» русумли, д/р 30U6910 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 000 000 сўм.
5. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 19.09.2007 йилдаги 1-576/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХББ жарима майдончасида сақланаётган, «BA3-2106» русумли, д/р 10W6069 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 000 000 сўм.
6. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 09.09.2007 йилдаги ЖСК-1-570/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХББ жарима майдончасида сақланаётган, «Кия Спортейдж» русумли, д/р 30K0849 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.
7. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 08.11.2007 йилдаги ЖСК-1-583/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХББ жарима майдончасида сақланаётган, «БМВ» русумли, д/р йўқ, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 000 000 сўм.
8. ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур судининг 03.12.2006 йилдаги 1-861/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, «GA3-2411» русумли, д/р 1025778 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 750 000 сўм.
II. Шунингдек, 2008 йил 13 май кунин соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси тақдир қилинмоқда:
Тошкент шаҳар Юнусов туман суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 09.07.2007 йилдаги УСК-1-356-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХнинг автоматизация рақамли майдончасида сақланаётган, «GA3-33021212» русумли, д/р Х345V2M бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 000 000 сўм.
Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ўшбу савдоларда қатнашни ҳар талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ураббоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 20 май кунин соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2007 йил 19 апрелдаги 4155-57/2-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган «DIA» хусусий фирмасига тегишли, Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Чилонзор-25, Фозилтепа кўчаси, 12-«в»-йи манзилида жойлашган, бир қаватли бино 148 кв.м., омборхона 254 кв.м., ишлаб чиқарувчи майдон 2549 кв.м. ва қўриқхона 21 кв.м.дан ташкил топган ишлаб чиқариш базаси бинолари. Бошланғич баҳоси – 370 602 000 сўм.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2007 йил 19 апрелдаги 4155-57/2-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган «DIA» хусусий фирмасига тегишли, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор-25, Фозилтепа кўчаси 12-«в»-йи манзилида сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 10A1470 бўлган «УАЗ-374101» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 312 000 сўм.

Ўшбу мулкларни суд ижрочилири иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун ҳаридорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридида зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкнида, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга муножжат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 1. Тел: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB001-000010.

Мунажжим башорати

18 АПРЕЛЬ, ЖУМА

«Ўз думини тишлаётган илон» — бугунги кун рамзи шундай. Мунажжимлар уни ҳаракат билан боғлашади. Жумладан, инсон танасида ҳам фаол яшарли жараёнлари юз бериши қутилади. Бугун истагингиз — қонун, дейишди мунажжимлар яна. Билим олиш жараёни енгил кечади.

Сафардан кейин уйга қайтиб кириш, янги кийим кийиш, зеб-зийнатлар тақийш ва ваздаларни бажариш омад келтиради. Шахсий ҳаётингизда омад қилиб боқадиган кун. Ҳамкорликдаги ҳар қандай ҳаракат ва ташаббуслар муваффақиятли бўлиши қутилади. Ёлғиз қолмасликка, жамоа бўлиб ишлашни талаб этадиган машғулотлар билан шуғулланишга интилинг. Шартномалар ва битимларни имзолаш учун ҳам кун ғоят омадли ҳисобланади.

Бугун қонни тозаловчи муолажалар матлуб ҳисобланади. Косметик ва дерматолог операциялари ўтказиш, тишларни доволатиш ва протез қўйириш тавсия этилмайди. Овқат ҳазм қилиш тизими заифлашган ҳолатда бўлади. Сурункали яллиғлаш касалликлари зўрайиши эҳтимол бор.

Тушларингиз мураккаб вазиятларда муаммоларингизни ҳал этишга қодир шерикларингиз ҳақида хабардор қилади. Ҳаётдаги воқеалар тушингизда кўрганларингизга ҳамоҳанг бўлади.

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
3350 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига
муножжат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тур» кўчаси, 41-йи.
1 3 4 5 6